



**Илмий – амалий конференция  
материаллари**

**ИЛМ - ФАН  
ВА  
ИННОВАЦИЯ**

**Қ а р ш и**

- анъанавий қофия усули (а-а, б-б, в-в ...), қофия турлари (мутлак, муқайяд, мурдаф, мужаррад), қофия санъатлари (зулқофиятайн, тажнисли қофия), радифдан асар мазмунига мос равишда фойдаланган;

- шакл ва мазмун мутаносиблигини сақлаб, асарнинг таъсирчанлигини оширишга эришган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ҳожиаҳмедов А. мумтоз бадияти малоҳати. – Т.: Шарқ, 1999. – 240 б.

2. Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. ИИИ том. – Т.: ЎзССР давлат бадий адабиёт нашриёти, 1959. – 804 б.

### **“ОЙЧИНОР” ДОСТОНИДА ҚўЛЛАНГАН ТОПОНИМИК БИРЛИКЛАР**

*Ўзбек тили ва адабиёти йўналиши  
1-курс магистри: Ортиқова Э.,  
Илмий раҳбар, ф.ф.н.: Жабборов Э.*

Қодир бахши Раҳимовнинг “Ойчинор” достони тилида оронимлар, ойконимлар, гидронимлар, зоонимлар, этнонимлар, космонимлар, фитонимлар, хронимлар ва бошқа ономастик бирликлар қўлланган бўлиб, бу номларни алоҳида тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Қуйида тилшунослигимизда географик объект номлари сифатида бирлаштириб ўрганилаётган оронимлар, ойконимлар ва гидронимларнинг дoston матнида қўлланиши ҳамда уларнинг айрим лисоний хусусиятлари ҳақида фикр юритишга ҳаракат қиламиз.

**Оронимлар.** Халқ дostonлари тилида бундай номлар тоғ, чўққи, тепа, қир, жар, чўл, яйлов, жилға номларини ифодалаб келади. Қодир бахши дostonлари тилида қуйидаги оронимик бирликлар кенг қўлланилган: *Куйтанг, Кўҳи Қоф, Каттапой, Жилгасой, Бобоҳон (тоғ), Бойсун (тоғ),* каби.

Дoston тилида қўлланган оронимларни қуйидаги мавзувий гуруҳларга ажратиш мумкин:

- тоғ ва тош номлари: *Бойсун, Кўҳи Қоф, Нобохот, Асқар тоғи.*

- довон номлари: *Оқдовон, Каттапой.*

- тепа номи: *Қоратуба.*

- яйлов номлари: *Думачовли.*

- жилға номи: *Жилғасой.*

Оронимлар таркибий тузилишига кўра ҳам алоқли қатламларга ажратилади: содда, такрор ва қўшма оронимлар каби.

Оронимларни ясалиш хусусиятини ҳам тадқиқ этиш мумкин. Достон матнида қўшма оронимлар кўп қўлланган. Б оронимларнинг ясалиш қолиплари қуйидагича:

СИФАТ+ОТ: *Оқбош, Каттапой, Қоратуба* каби.

ОТ+ОТ: *Кўрғонтош, Тобатош, Каллатош, Лайлимқон, Султонработ.*

**Ойконимлар.** Ойконимлар ўзбек тили ономастивани тизимида салмоқли ўрин эгаллайдиган лексик бирликлар саналади. “Аҳоли масканларининг номлари таркибида қўлланилувчи қишлоқ, овул, кўрғон, кўрғонча, гузар, маҳалла, кўча индикаторлари ойконимларни характерловчи муҳим белгилардан саналади”.

Халқ достонлари матнида бундай номларга муайян эпик макон (юрт, давлат), баъзан тарихий давлат ва шаҳар номлари, шунингдек, тарихий обидалар жойлашган номлар, муайян қишлоқ, овул, маҳалла, гузар номлари учрашини кўрамыз. Қодир бахши Раҳимов достони тилида ҳам ойконимик birlikлар кенг ишлатилган. Масалан: *Андижон, Жингилли, Толли, Шаҳрисабз, Гандиҳарам, Хўтон, Сайроб, Шеробод, Ангор, Термиз, Қизирик, Фулгула* кабилар шулар жумласидандир.

Достон матнида қўлланилган ойконимларни қуйидаги мавзувий гуруҳларга ажратиш мумкин:

а) вилоят номлари: *Ҳисор, Самарқанд, Андижон;*

в) шаҳар номлари: *Бойсун, Самарқанд, Қарши, Андижон, Термиз, Шаҳрисабз, Шеробод;*

г) қишлоқ номлари: *Тангиҳарам, Султонбахт, Дарбанд, Сайроб.*

д) овул номлари: *Думачовли/Думачовул, Куйтанг.*

*Гидронимлар.* Бундай номларга хилма-хил сув объектлари, денгиз, дарё, арик, кўл, сой, булок, кудуқларнинг номлари киради. Куйидаги гидроним дoston тилида учрайди: *Чашмибизанг.*

Қодир Раҳимов дostonи тилида қўлланилган оронимлар, ойконимлар ва гидронимларни илмий тадқиқ этиш бахши дostonи тили лексикасини ўрганиш учун бой материал бера олади, деб ўйлаймиз.

## TIL MADANIYATI-SOTSIOLINGVISTIK HODISA SIFATIDA

*Qarshi DU magistri Rajapova Z.  
Ilmiy rahbar: f.f.f.d. Tojiyeva G.*

Til madaniyati - sotsiolingvist hodisa sifatida majmuaviy xarakterga ega. Til madaniyati tushunchasining o'zida, birinchidan, til tizimi va kommunikativ faolyat o'rtasidagi munosabatlarning, ikkinchidan, til tizimidagi ijtimoiy va nutqiy faolyatning individual xususyatlari dialektik tabiati va boshqalar o'z aksini topgan. Til madaniyati deganda, adabiy tilning asosiy qonunyatlarini va o'ziga xos xususyatlarni, uning ijtimoiy normalarini (orfoepik, sintaktik vositalarini) ongli va mustahkam o'zlashtirish tushiniladi. Bunga adabiy tilning funksional uslublarini ham kiritish mumkin. Til madaniyati doirasiga tilning jamiyatda tutgan o'rniga bog'liq bo'lgan hodisalar ham mansubdir. Barcha dialektlari bilan munosabatda bo'lgan adabiy til madaniylashadi. Chunonchi, yozuvchi Tog'ay Murodning tarhi toza qissalarida hayotning xalqona badiiy talqini aks etgan. Ijodkor Surxandaryo shevasidagi juda ko'p so'z va iboralarni badiiy tamoyilga olib kirdi. U, masalan, harakatning tugashini ifodalashda million marta qo'llangan "to'xtadi" so'zidan saqlanadi, xalqona "oyoq ildi" iborasini ishlatadi. Afsuski, bunday lisoniy-uslubiy izlanishlar kam. Til madaniyati masalalarini o'rganishda har bir adabiy til o'ziga xos xususyatlari bilan farqlanishi va bu xususyatlarning muloqot muhiti va vaziyati bilan bog'liqligi hisobga olinadi. O'tmishda

54.	<i>Мирзаев О. Н.</i>	Ўзбекистонда тасвирий санъат соҳасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик	168
55.	<i>Rajabova L.</i>	O'quvchilarni kasbga yo'llash va mehnatsevarlik ruhida tarbiyalashning pedagogik - psixologik xususiyatlari.	172
56.	<i>Хо'jayarova N.</i>	O'quv vaziyatlarining turlari, ularning didaktik tavsifi	174
57.	<i>Даминова М.</i>	Ўзбек оилаларида низолар шаклланишининг психологик хусусиятлари	177
58.	<i>Амонова С Жабборов А.</i>	Самарали ўзлаштиришнинг муҳим омиллари	181
59.	<i>Жабборов И.А.</i>	Оилада эр-хотин муносабатларини мувофиқлаштиришга оид ижтимоий омиллар	185
60.	<i>Абдукаххарова Г. А.</i>	Направления современной социально - психологической службы и их значение в прогрессе общества	187
61.	<i>Жўраев Б.</i>	Ёшларда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг психологик омиллари	190
62.	<i>Жумаева К. Шодмонов Н.</i>	"Девони Мирзо" асарининг фонетикаси хусусида	192
63.	<i>Шодиева С. Шодмонов Н.</i>	"Гул ва булбул" достонининг вазн ва кофияси	195
64.	<i>Ортиқова Э., Жабборов Э.</i>	"Ойчинор" достонида қўлланган топонимик бирликлар	197
65.	<i>Rajarova Z. Tojiyeva G.</i>	Til madaniyati-sotsiolingvistik hodisa sifatida	199
66.	<i>Султонова Н.</i>	Амир Худойберди шеърлятида лафзий санъатлар	202
67.	<i>Elmurodova S.S., Elmurodov N.S.</i>	Hozirgi zamon ingliz tilida fizikaga oid terminlarning o'zbek tilidagi muqobillari	205